УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FM.55.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ХАЛКНАЗАРОВ АСКАР МАХСЕТБАЕВИЧ

МАТРИЦАВИЙ СОҲАЛАРДА А-ГАРМОНИК ФУНКЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

УДК: 517.55

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FM.55.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ХАЛКНАЗАРОВ АСКАР МАХСЕТБАЕВИЧ

МАТРИЦАВИЙ СОҲАЛАРДА A- ГАРМОНИК ФУНКЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/FM457 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-mat.urdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Худайберганов Гулмирза** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Джумабаев Давлатбай Халиллаевич** физика-математика фанлари доктори
	Ибрагимов Зафар Шавкатович физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	**Тошкент шахридаги Турин политехника университети**

Диссертация химояси Урганч давлат университети хузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.FM.55.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 2 ноябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (+99862) 224-66-11, факс: (+99862) 224-67-00, e-mail: ik_mat.urdu@umail.uz).

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (D-270 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (+99862) 224-66-11, факс: (+99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2021 йил 18 октябрь куни таркатилди.

(2021 йил 18 октябрдаги 1 ракамли реестр баённомаси).

Б.И.Абдуллаев
Илмий даража берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д.

А.А.Атамуратов
Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

С.А.Имомкулов
Илмий даража берувчи Илмий
кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда комплекс анализ бўйича олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда классик соҳаларда матрица аргументли голоморф ва гармоник функцияларнинг хоссаларинин тадқиқ қилишга келтирилади. Дунё миқёсида кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида голоморф функциялар учун базис ҳисобланган ортонормал системалар кучли конструктив аппарат ҳисобланади ва муҳим тадбиқларга эга. Шу жиҳатдан матрицавий шарларнинг автоморфизмларини топиш, қаралаётган соҳалар учун Бергман, Коши-Сеге ва Пуассон ядроларини ҳисоблаш ва бу ядроларни ортонормал системалар ёрдамида тадқиқ этиш ва олинган илмий янгиликлардан функциялар назариясида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ва замонавий математиканинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда голоморф ҳамда гармоник функцияларнинг хоссаларини ўрганиш ва уларнинг тадбиқлари кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясининг муҳим ва долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Охирги йилларда комплекс анализнинг матрицавий соҳалардаги натижаларининг электр занжирлар назарияси, математик физика, майдонлар назарияси ва бошқа йўналишларга тадбиқ қилиниши натижасида комплекс анализнинг мазкур йўналишига бўлган эътибор янада кучайди ва бу соҳада дунёдаги бир нечта илмий математик мактаблар илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.. Бунинг исботи сифатида жаҳондаги таниқли олимларнинг кўплаб изланишларини ва илмий ишларини мисол келтириш мумкин. Бу борада Э. Картан томонидан киритилган биринчи тип классик соҳаси билан боғланган биринчи тип матрицавий шарнинг автоморфизмларини топиш, ортонормал системаларни аниқлаш, матрицавий шар учун Дирихле масаласини ечиш, Бергман, Коши-Сеге ва Пуассон ядроларини шу ортонормал система ёрдамида қаторларга ёйиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади ва бунга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда илмий ва амалий тадбиқларга эга бўлган фундаментал фанларнинг бир бўлими сифатида комплекс ўзгарувчили функциялар назариясининг долзарб йўналишларига ҳам катта эътибор берилмоқда ва кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Жумладан, кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида голоморф ва гармоник функцияларнинг хоссаларини ўрганиш, кўп ўлчовли соҳаларда умумлашган интеграл формулаларни топиш ва классик теоремаларнинг баъзи соҳалардаги умумлашмаларини исботлаш алоҳида йўналиш сифатида ўрганилмоқда. Бу ўрганишлар натижасида олинган илмий янгиликлардан фойдаланган ҳолда, матрицавий соҳаларда голоморф функцияларни текис яқинлашувчи қаторга ёйиш ҳамда классик теоремаларнинг қаралган соҳалардаги умумлашмаларини олиш каби тадқиқотлар олиб борилди ва ҳалқаро стандартлар даражасидаги ушбу кўринишдаги илмий тадқиқотлар ва изланишлар натижасида функционал анализ, математик анализ ва кўп ўлчамли комплекс анализ фанларининг устувор йўналишларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди[1]. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, матрицавий соҳаларда голоморф ва гармоник функциялар учун асосий базис сифатида хизмат қиладиган ортонормал системаларни тадқиқ қилиш ва олинган натижаларни амалиётда қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-Қарори ва 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертациядаги изланиш ва тадқиқотлар республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Голоморф ва гармоник функцияларнинг хоссаларини классик соҳаларда тадқиқ қилиш ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ривожлана бошлади. Бунга сабаб сифатида кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида интеграл формулалардан фойдаланила бошланганини келтириш мумкин.

1935 йилда француз математиги Э.Картан бир жинсли, келтирилмайдиган, симметрик ва чегараланган фақат олтита соҳа мавжудлигини исботлади:

$$\Re_I = \left\{ Z \in \mathbb{C}[m \times k] : I^{(m)} - Z\overline{Z}' > 0 \right\},$$

$$\Re_{II} = \left\{ Z \in \mathbb{C}[m \times m] : I^{(m)} - Z\overline{Z} > 0, \ \ \forall Z' = Z \right\},$$

$$\Re_{III} = \left\{ Z \in \mathbb{C}[m \times m] : I^{(m)} + Z\overline{Z} > 0, \ \ \forall Z' = -Z \right\},$$

$$\Re_{IV} = \left\{ z \in \mathbb{C}^n : \left| zz' \right|^2 + 1 - 2\overline{z}z' > 0, \ \ \left| zz' \right| < 1 \right\}.$$

Бу соҳаларнинг ўлчовлари мос равишда

$$mk, \ m(m+1)/2, \ m(m-1)/2, \ n$$

кўринишида аниқланади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори

Э. Картаннинг $\mathbb{C}^{16}$ ва $\mathbb{C}^{27}$ фазолардаги $\Re_5$ ва $\Re_6$ соҳалари эса ўрганилмаган соҳалар ҳисобланади ва улар бўйича баъзи саволларга ечим ҳали топилгани йўқ.

Бир жинсли ва чегараланган комплекс соҳалар ҳозирги вақтда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бунга сабаб сифатида $\mathbb{C}^n$ фазодаги синфларнинг ўлчовлари катта эканлиги ва кўп ўлчовли функциялар учун бир қатор янгиликларнинг олинганлигини келтириш мумкин.

Матрицавий соҳалар биринчи бўлиб Э.Картан ва К.Зигель каби олимлар томонидан чуқур ўрганилди. Жумладан, улар тўртта классик соҳалар автоморфизмларининг умумий кўринишларини тасвирлашган. Хуа Ло-Кен эса классик соҳалар учун кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида гармоник анализни қурган (1944-1957 йилларда) ва улар бўйича натижалар Хуа Ло-Кеннинг 1958 йилда хитой тилида чоп этилган монографиясида келтирилган.

Классик соҳалардаги баъзи саволларга бағишланган И. И. Пятецкий-Шапиронинг «Классик соҳалар геометрияси ва автоморф функциялар назарияси» ва К. Зигельнинг «Кўп комплекс ўзгарувчили автоморф функциялар» китобларини келтириш мумкин. Шунингдек, Россиялик олимлар В. С. Владимиров, А. Г. Сергеев ва С. Г. Гиндикинларнинг ишлари ҳам мисол бўла олади. А.М.Кытманов, Г. Худайберганов, С. Косбергенов, Б. А. Шаимкулов, Б. Отемуратов, С. Г. Мысливец, Т. Н. Никитина, Б. Курбанов, Додак, Х. Зоя, У. Рахмонов ва бошқалар ўзларининг ишларида классик соҳаларда голоморф функцияларнинг ва интеграл формулаларнинг хоссаларини ўрганишни давом эттирдилар ҳамда кўплаб илмий натижаларга эришдилар.

Ҳозирга вақтда кўп ўлчовли комплекс функцияларга бағишланган интеграл формулалар назарияси ва уларнинг баъзи татбиқлари бўйича олимлар Н.Тарханов, А.М.Кытманов, Ш.Даутов, А.Аронов, М.Аграновский, Г.Хенкин, А.Б.Шлапунов, Б.Шаимкулов, Б.Пренов, Б.Курбанов, Б.Отемуратов ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлар режасидаги ОТ-Ф1-116 “Аналитик давом эттириш масалалари ва функциялар назариясининг геометрик муаммолари” (2007-2011 йиллар), Ф-4-31 “Плюрипотенциаллар назарияси ва кўп ўлчовли анализда интеграл формулалар” (2012-2016 йиллар) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади матрицавий соҳаларда Лапласнинг инвариант операторини аниқлаш, A-гармоник функцияларни тадқиқ қилиш, Дирихле масаласини ечиш, матрицавий шар ва унинг остовида ортонормал системани қуриш ва бу система ёрдамида Бергман, Коши-Сеге ва Пуассон ядроларни текис яқинлашувчи қаторларга ёйиш ҳамда уларнинг коэффициентларини текшириш масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

матрицавий шарда Лапласнинг инвариант опраторини аниқлаш;

матрицавий шарда Дирихле масаласини ечиш;

матрицавий шар ва унинг остовининг ҳажмларини ҳисоблаш;

биринчи тип классик соҳада Лаплас ва Хуа Ло-Кен операторлари орасидаги боғлиқликни аниқлаш;

матрицавий шар ва унинг остовида ортонормал системани қуриш;

ортонормал система ёрдамида Бергман, Коши-Сеге ва Пуассон ядроларни қаторларга ёйиш ва Пуассон ядроси ёйилмаси коэффициентларини А-гармоник функциялар учун система бўлишини исботлаш.

Тадқиқот объекти биринчи тип классик соҳа, биринчи тип матрицавий шар, Бергман, Коши-Сеге ва Пуассон ядролари ҳамда комплекс ҳадли қаторлар.

Тадқиқот предмети Лаплас оператори, А-гармоник функциялар, ортонормал система ва Дирихле масаласидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси ва классик соҳада Хуа Ло-Кен ҳамда кўп ўлчовли комплекс анализда У. Рудин усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$\mathbb{C}^n[m\times m]$ фазодаги матрицавий шар учун Лапласнинг инвариант оператори аниқланган ва унинг биринчи тип матрицавий доирада Хуа Ло-Кен оператори билан устма-уст тушиши исботланган;

матрицавий шарда Пуассон ядросининг А-гармоник функция бўлиши кўрсатилган ва А-гармоник функциялар учун максимумлар принципи бажарилиши исбот қилинган;

матрицавий шарда аниқланган А-гармоник функциялар синфида остовдан А-гармоник давом эттириш ҳақидаги Дирихле масаласи ечилган;

матрицавий соҳаларда баъзи муҳим интеграллар ҳисобланган ва улар ёрдамида матрицавий шар ва унинг остовининг ҳажмлари аниқланган;

$\mathbb{C}[m\times n]$ фазодаги биринчи тип классик соҳада инвариант Лапласиан ва Хуа Ло-Кен операторлари орасидаги боғлиқлик аниқланган;

матрицавий шар ва унинг остовида аналитик давом қилдириш масалаларига мос келувчи ортонормал система қурилган;

ортонормал система ёрдамида Бергман, Коши-Сеге ва Пуассон ядролари текис яқинлашувчи қаторларга ёйилган ва Пуассон ядроси ёйилмаси коэффициентлари системаси А-гармоник функциялар учун базис бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

матрицавий шарда ортонормал система ёрдамида Бергман, Коши-Сеге ва Пуассон ядролари қаторларга ёйилди;

А-гармоник функцияларнинг матрицавий шардаги Пуассон ядроси ёйилмаси коэффициентлари орқали бир қийматли ифодаланиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функциялар назарияси усуллари, голоморф ва гармоник функциялар хоссалари, n- ўлчовли фазодаги интеграл формулалардан фойдаланилганлиги ҳамда барча исботлардаги математик текширишларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти функциялар назарияси ва комплекс анализнинг келгусида ривожланиши учун фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотда олинган натижаларнинг амалий аҳамияти уларнинг электр занжирлар назарияси, математик физика, майдонлар назарияси ва бошқа йўналишларга тадбиқ қилиниши ва ушбу йўналишларда амалий масалаларни математик моделлаштиришда асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Матрицавий соҳаларда A-гармоник функцияларнинг хоссаларини ва қўлланилишини тадқиқ қилишда олинган натижалар асосида:

матрицавий шар учун топилган Лапласнинг инвариант оператори 11-01-00852-а рақамли “Комплекс анализда кўп ўлчамли чегирмалар, уларнинг статистик физика, айирмали ва дифференциал тенгламалар назариясида тадбиқлари” номли хорижий лойиҳада турли аналитик функциялар синфлари учун Дирихле масалаларини ечишда фойдаланилган (Сибир федераль университетининг 2021 йил 16 февралдаги №975-сонли маълумотномаси). Инвариант операторга боғланган ортонормал системаларнинг қўлланилиши Дирихле масаласи ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш имконини берган;

матрицавий шар ва унинг остови учун қурилган ортонормаль система 18-51-41011 рақамли “Кўп ўлчамли комплекс анализ” номли хорижий лойиҳада голоморф давом қилдириш масалаларида фойдаланилган (Сибир федераль университетининг 2021 йил 16 февралдаги №975-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши голоморф функцияларни қаторларга ёйиш ва остовдан матрицавий шарга ягона голоморф ва гармоник давомнинг мавжудлигини исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 75 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар рўйхати ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Матрицавий фазоларда гармоник функциялар ҳақида» деб номланувчи биринчи бобида $\mathbb{C}^n$ ва $\mathbb{C}[m\times n]$ фазолардаги Лапласнинг инвариант оператори ва гармоник функциялар ҳақида умумий маълумотлар, диссертациянинг натижаларини баён қилишда зарур бўладиган асосий таърифлар ва теоремалар келтирилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфида диссертациянинг келгуси бобларида қўлланиладиган асосий белгилашлар, зарур маълумотлар, олимларнинг бу фазоларда олиб борган илмий изланишлари ва тадбиқлари келтирилган ҳамда масаланинг қўйилиши асосланган.

Диссертациянинг асосий объекти матрицавий кўп ўлчовли комплекс фазода аниқланган биринчи тип классик соҳа ва матрицавий шар ҳисобланади.

Ушбу

$$\Re_I=\left\{Z\in\mathbb{C}\left[m\times n\right]:\ I^{(m)}-ZZ^*>0\right\},$$

соҳа, (Картан таснифи бўйича) биринчи тип классик соҳа деб номланади. Бу ерда, $I^{(m)}-$ бирлик $[m\times m]$- тартибли матрица, Z^*- матрица эса транспонирланган Z' матриcанинг комплекс қўшмаси, $I^{(m)}-ZZ^*>0$ тенгсизлик $I^{(m)}-ZZ^*$ - ифоданинг Эрмит матрицасининг мусбат аниқланганлигини (барча хос сонларининг мусбат эканлигини) англатади

Биринчи тип классик $\Re_I$ соҳа mn- комплекс ўлчовли, тўла доиравий, чегараланган ва қаварик соҳа ҳисобланади.

$\Re_I$ соҳанинг остови (Шилов чегараси) G_I тўплам $UU^*=I^{(m)}$ шартни қаноатлантирувчи $U-[m\times n]$- тартибли матрицалардан иборат. Хусусий ҳолда, $m=n$ бўлса G_I остов $[m\times m]$- тартибли унитар матрицалар тўплами билан устма-уст тушади. G_I остов $m(2n-m)$ ҳақиқий ўлчовга эга ва бир жинсли соҳа ҳисобланади, яъни G_I тўпламнинг ҳар бир нуқтасини, $\Re_I$ соҳадаги бошланғич нуқтани ўзгартирмайдиган акслантиришлар ёрдамида, G_I тўпламга тегишли бошқа нуқталарга ўтказиш мумкин.

Агар $m=n$ бўлса, $\Re_I$ - соҳа $\mathbb{C}[m\times m]$ фазодаги матрицавий доира дейилади.

Баъзи ҳолларда $\mathbb{C}[m\times m]$ фазо билан биргаликда n та $\mathbb{C}[m\times m]$ фазонинг декарт кўпайтмаларидан ташкил топган $\mathbb{C}^n[m\times m]$ фазо ҳам келтирилади:

$$\mathbb{C}^n[m\times m]=\underbrace{\mathbb{C}[m\times m]\times\ldots\times\mathbb{C}[m\times m]}_{n-раз}\ .$$

Ушбу

$$B_{m,n}=\{Z=(Z_1,\ldots,Z_n)\in\mathbb{C}^n[m\times m]:\ I^{(m)}-\langle Z,Z\rangle>0\}$$

тўплам ***матрицавий шар*** дейилади, бунда, $\langle Z,Z\rangle=Z_1Z_1^*+Z_2Z_2^*+\ldots+Z_nZ_n^*$ – «матрицавий скаляр» кўпайтма, $I^{(m)}$– бирлик $[m\times m]$-матрица, $Z_\nu^*=\overline{Z}_\nu'$– матрица эса, Z_ν, $\nu=1,2,\ldots,n$ га нисбатан қўшма ва транспонирланган матрица. $I-\langle Z,Z\rangle>0$ тенгсизлик эса $I-\langle Z,Z\rangle$ - эрмит матрицанинг мусбат аниқланганлигини, яъни барча хос сонлари мусбатлигини билдиради.

$B_{m,n}$ матрицавий шарнинг остови

$$X=\{Z\in\mathbb{C}^n[m\times m]:\langle Z,Z\rangle=I\}$$

кўринишдаги тўпламдан иборат. Остовнинг ҳақиқий ўлчови $m^2(2n-1)$ га тенг ва $m>1$ бўлганда матрицавий шарнинг чегараси билан устма-уст тушмайди.

Лемма 1. *Матрицавий шар $B_{m,n}$ қуйидаги хоссаларга эга:*

1) $B_{m,n}$ – чегараланган соҳа;

2) $B_{m,n}$ – тўла доиравий соҳа;

3) $B_{m,n}$ ва унинг остови унитар акслантиришларга нисбатан инвариант;

4) $B_{m,n}$– қавариқ соҳа.

Масаланинг қўйилиши. Гармоник функциялар - Лаплас тенгламаси деб аталувчи, иккинчи тартибли хусусий хосилалардан иборат

$$\frac{\partial^2 u}{\partial^2 x}+\frac{\partial^2 u}{\partial^2 y}=0$$

кўринишдаги дифференциал тенгламаларнинг ечимлари бўлган ҳақиқий функциялардир. Оддий дифференциал тенгламаларни ечишда, хусусий ечимни топиш учун бошланғич шартлар берилади. Худди шундай Лаплас тенгламасининг ечимларини аниқлаш учун ҳам, бизга қўшимча шартлар керак бўлади. Лаплас тенгламаси учун бу шартлар чегаравий шартлар деб номланувчи, яъни берилган нисбатнинг соҳа чегарасида ҳам ечимни қаноатлантириши кўринишида берилади. Бу шартлар оддий ҳолда соҳадаги гармоник функцияларнинг соҳа чегарасидаги қийматлари билан аниқлаш масаласини беради. Шунинг учун, биз қуйидаги чегаравий масала ёки Дирихле масаласи деб номланувчи масалани келтирамиз:

D соҳа чегарасида аниқланган ва узлуксиз $u(\zeta)$ функция берилган бўлсин. D соҳада гармоник ва $\overline{D}$ да узлуксиз бўлган шундай $u(\mathrm{z})$ функция

топилсинки, бу функция D соҳанинг барча чегаравий нуқталарида берилган $u(\zeta)$ қийматларни қабул қилсин.

Бу диссертацияда Дирихле масаласининг матрицавий шардаги аналоги келтирилади. Бунинг учун аввал, Лаплас операторининг голоморф автоморфизмларга нисбатан инвариантлиги аниқланади ва матрицавий шарда инвариант Пуассон ядроси Дирихле масаласи учун ягона ечим бўлиши исботланади. Кўп ўлчовли $\mathbb{R}^{2n}$ фазода гармоник функциялар билан биргаликда плюригармоник функциялар деб номланувчи функциялар ҳам ўрганилади. Бу $u(x,y)\in C^2(D)$ функциялар $D\subset\mathbb{R}^{2n}$ соҳада

$$\frac{\partial^2 u}{\partial^2 \overline{z}_\mu \partial^2 z_\nu}=0,\ \ \mu,\nu=1,2,\dots,n,$$

ёки

$$\frac{\partial^2 u}{\partial^2 x_\mu \partial^2 x_\nu}+\frac{\partial^2 u}{\partial^2 y_\mu \partial^2 y_\nu}=0,\quad \frac{\partial^2 u}{\partial^2 x_\mu \partial^2 y_\nu}-\frac{\partial^2 u}{\partial^2 x_\nu \partial^2 y_\mu}=0$$

тенгламани қаноатлатиради.

Бир ўзгарувчили голоморф функциялар билан $\mathbb{R}^2$ фазодаги гармоник функциялар орасида қандай боғланиш бўлса, кўп ўзгарувчили голоморф функциялар билан плюригармоник функциялар орасида ҳам худди шундай боғланиш бўлади. $\mathbb{R}^{2n}$ фазода эса, плюригармоник функцияларнинг гармоник функция ҳам бўлишини кўриш мумкин. Плюригармоник функцияларга нисбатан, Пуассон интеграли Дирихле масаласининг биз кутган натижасини бермайди. Шунинг учун, матрицавий шарда Дирихле масаласини қуриш учун Пуассон интегралидан фойдаланиш имкониятини берадиган гармоник функциялар синфини аниқлаб олиш керак бўлади. Ушбу диссертацияда эса, шундай гармоник функцияларга нисбатан янги *A- гармоник* функциялар синфи келтирилди.

Голоморф автоморфизмларга нисбатан инвариант бўлган Пуассон ядроси бизни бошқа тарафдан ҳам қизиқтиради. Яъни, ядрони баъзи ортонормал система ёрдамида ёйилган, яқинлашувчи қатор кўринишида ҳам келтириш мумкин экан.

Диссертациянинг 1.2 параграфида, биринчи тип классик соҳадаги голоморф ва гармоник функцияларнинг асосий хоссалари келтирилган бўлиб, дифференциал операторлар ўрганилган ҳамда Лаплас ва Хуа Ло-Кен операторлари орасидаги боғланиш топилган.

Бизга $\mathbb{C}^{mn}$ фазоси берилган бўлсин. $z\in\mathbb{C}^{mn}$ нуқтани

$$z=(z_{11},z_{12},\dots,z_{1n};\dots;z_{m1},z_{m2},\dots,z_{mn}),$$

кўринишда ёзиб оламиз, бунда $z_{\mu\nu}=x_{\mu\nu}+iy_{\mu\nu},\ \mu=1,2,\dots,m,\ \nu=1,2,\dots,n$.

Баъзи ҳолларда, $\mathbb{C}^{mn}$ фазонинг нуқталарини $[m\times n]$ матрицанинг элементлари кўринишида ёзиш анча қулай бўлади:

$$\begin{pmatrix} z_{11} & z_{12}\ldots z_{1n} \\ . \quad . & \ldots \; . \\ z_{m1} & z_{m2}\ldots z_{mn} \end{pmatrix} = Z .$$

У ҳолда $\mathbb{C}^{mn} \simeq \mathbb{C}[m\times n]$ изоморфизмдир, бунда $\mathbb{C}[m\times n]$- $[m\times n]$-тартибли матрицалар тўплами.

Ушбу

$$\partial_Z = \begin{pmatrix} \frac{\partial}{\partial z_{11}} & \frac{\partial}{\partial z_{12}}\ldots\frac{\partial}{\partial z_{1n}} \\ . & . \quad \ldots \quad . \\ \frac{\partial}{\partial z_{m1}} & \frac{\partial}{\partial z_{m2}}\ldots\frac{\partial}{\partial z_{mn}} \end{pmatrix}, \ \overline{\partial}_Z = \begin{pmatrix} \frac{\partial}{\partial \overline{z}_{11}} & \frac{\partial}{\partial \overline{z}_{12}}\ldots\frac{\partial}{\partial \overline{z}_{1n}} \\ . & . \quad \ldots \quad . \\ \frac{\partial}{\partial \overline{z}_{m1}} & \frac{\partial}{\partial \overline{z}_{m2}}\ldots\frac{\partial}{\partial \overline{z}_{mn}} \end{pmatrix}$$

дифференциал операторларни келтирамиз.

Биринчи тип классик соҳадаги голоморф автоморфизмлар группаси

$$W = (AZ+B)(CZ+D)^{-1} = (ZB^* + A^*)^{-1}(ZD^* + C^*),$$

акслантиришлардан ташкил топади, бу ерда, A – $[m\times m]$-матрица, B – $[m\times n]$-матрица, C – $[n\times m]$-матрица, D – $[n\times n]$-матрица.

Бу матрицалар

$$AA^* - BB^* = I^{(m)},\ AC^* = BD^*,\ CC^* - DD^* = -I^{(n)},$$

ёки

$$A^*A - C^*C = I^{(m)},\ A^*B = C^*D,\ B^*B - D^*D = -I^{(n)}.$$

шартларни бажаради.

Хуа Ло-Кен оператори $Sp\Delta_Z$ қуйидаги кўринишга эга:

$$Sp\Delta_Z = \sum_{\mu,\nu=1}^{m}\sum_{\alpha,\beta=1}^{n}\left(\delta_{\mu\nu} - \sum_{\gamma=1}^{n} z_{\mu\gamma}\overline{z}_{\nu\gamma}\right)\left(\delta_{\alpha\beta} - \sum_{\delta=1}^{n}\overline{z}_{\delta\alpha} z_{\delta\beta}\right)\frac{\partial^2}{\partial z_{\mu\beta}\partial\overline{z}_{\nu\alpha}}.$$

Хуа Ло-Кен оператори $\Re_1$ соҳада автоморфизмлар группасига нисбатан инвариант ҳисобланади. Агар $m=1$ бўлса, $\Re_1$ соҳа $\mathbb{C}^n$ фазодаги B-бирлик шар билан устма-уст тушади, у ҳолда, Хуа Ло-Кен оператори B-бирлик шар учун келтирилган Лапласнинг инвариант операторини беради.

1.2 параграфнинг асосий натижалари қуйидаги теоремалар ҳисобланади:

Теорема 1. *Хуа Ло-Кен оператори* $Sp\Delta_Z$ *ни*

$$Sp\Delta f(P) = \Delta(f\circ\varphi_P)(0)$$

кўринишда ёзиш мумкин, бунда Δ *– Лапласнинг классик оператори.*

Теорема 2. *Агар* $\Re_I$ *соҳадаги* E *– очиқ тўплам учун* $f\in C^2(E)$ *ва* $\psi(Z)$ $-\Re_I$ *соҳанинг автоморфизми бўлса, у ҳолда*

$$Sp\Delta(f\circ\psi)(Z) = Sp\Delta f\circ\psi(Z)$$

бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Матрицавий шарда** A**-гармоник функциялар**» деб номланади. Бу бобда $\mathbb{C}^n[m\times m]$ фазодаги матрицавий шар ва унинг остовининг ҳажмлари ҳисобланган, матрицавий шар учун Лапласнинг инвариант оператори ёзилган ва Дирихле масаласи ечилган.

2.1 параграфда $\mathbb{C}^n[m\times m]$ фазодаги матрицавий шар ва унинг остовининг ҳажмлари ҳисобланган.

Теорема 3. *Агар* Z_ν – $[m\times m]$*-матрица ва* $\lambda > -1$ *бўлса, у ҳолда*

$$J(\lambda) = \int\limits_{I-\langle Z,Z\rangle>0} [\det(I-\langle Z,Z\rangle)]^{\lambda}\dot{Z},\ \ \dot{Z} = \prod_{i=1}^{m}\prod_{j=1}^{mn} dx_{ij}dy_{ij},\ x_{ij}+iy_{ij} = z_{ij},$$

интегралнинг ечими

$$J(\lambda) = \pi^{nm^2}\prod_{k=1}^{mn}\frac{\Gamma(k+\lambda)}{\Gamma(k+\lambda+m)}.$$

кўринишда аниқланади.

Хусусий ҳолда, $\lambda = 0$ *бўлса,*

$$V(B_{m,n}) = \pi^{nm^2}\frac{1!2!...(mn-1)!}{m!(m+1)!...(m+mn-1)!}$$

матрицавий шарнинг ҳажми ҳосил бўлади.

Тасдиқ 1. *Матрицавий шарнинг остови ҳажми*

$$V(X) = \frac{(2\pi)^{nm^2-\frac{m(m-1)}{2}}}{(mn-m)!...(mn-1)!}$$

формула ёрдамида ҳисобланади.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида $\mathbb{C}^n[m\times m]$ фазодаги матрицавий шар учун Лапласнинг инвариант оператори ёзилган, ҳамда A- гармоник функцияларга таъриф берилган ва Дирихле масаласи ечилган.

$Sp\Delta$ оператори $B_{m,n}$– матрицавий шар учун ***Лапласнинг инвариант операти*** дейилади. Оператор $Sp\Delta$ қуйидаги кўринишга эга:

$$Sp\Delta = \sum_{i,j=1}^{m}\sum_{\beta,\gamma=1}^{m}\sum_{\nu=1}^{n}\left(\delta_{ij}-\sum_{\alpha=1}^{m} z_{i\alpha}^{(\nu)}\overline{z}_{j\alpha}^{(\nu)}\right)\left(\delta_{\beta\gamma}-\sum_{k=1}^{m}\overline{z}_{k\beta}^{(\nu)}z_{k\gamma}^{(\nu)}\right)\cdot\frac{\partial^2}{\partial\overline{z}_{i\gamma}^{(\nu)}\partial z_{j\beta}^{(\nu)}}.$$

Агар $n=1$ бўлса, $Sp\Delta$ оператор $\mathbb{C}[m\times m]$ фазодаги матрицавий доиранинг Лаплас оператори билан, агар $m=1$ бўлса, $\mathbb{C}^n$ фазодаги бирлик шарнинг инвариант Лаплас оператори билан устма-уст тушади.

Таъриф 1. А*гар матрицавий шарнинг ҳар бир нуқтасида*

$$(Sp\Delta)U(Z) = 0$$

тенглик ўринли бўлса, у ҳолда ҳақиқий $U(Z)\in C^2(B_{m,n})$ *функция* $B_{m,n}$– *матрицавий шарда* $\mathcal{A}$***-гармоник функция*** *дейилади,*

$B_{m,n}$–матрицавий шарда голоморф ва остовда узлуксиз ихтиёрий f функция учун қуйидаги интеграл формула ўринли:

$$f(Z) = \int\limits_X f(U)P(Z,U)d\sigma(U)\ ,\ Z\in B_{m,n},$$

бу ерда $P(Z,U)$ –Пуассон ядроси ва

$$P(Z,U)=\left(\frac{\det\left(I^{(m)}-\langle Z,Z\rangle\right)}{\left|\det\left(I^{(m)}-\langle Z,U\rangle\right)\right|^2}\right)^{mn}$$

кўринишга эга.

Тасдиқ 2. *Агар* $V,U\in X$ *ва* $V=\varphi_P(U)$ *бўлса, у ҳолда*

$$P(W,V)=P(Z,U)\cdot\frac{\left|\det\left(I^{(m)}-\langle P,U\rangle\right)\right|^{2mn}}{[\det\left(I^{(m)}-\langle P,P\rangle\right)]^{mn}}$$

тенглик ўринли.

Тасдиқ 3. $P(Z,U)$ *– Пуассон ядроси матрицавий шарда А-гармоник функция бўлади.*

Матрицавий шарда A –гармоник ва остовда узлуксиз функциялар синфини Ah билан белгилаймиз.

2.2 параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теорема ҳисобланади.

Теорема 4. *Остовда ихтиёрий узлуксиз* $f(U)$ *функция учун Пуассон интеграли*

$$f(Z)=\int_X f(U)P(Z,U)d\sigma(U),\ Z\in B_{m,n},$$

Ah *синфга тегишли* A*- гармоник функция бўлади.*

Натижа. *Остовда ихтиёрий узлуксиз* f *функция учун Дирихле масаласи Пуассон интеграли ёрдамида ечилади.*

Ушбу параграфда матрицавий шарда А-гармоник функциялар учун максимум принципи исботланган.

Теорема 5. *Агар ҳақиқий* $\rho(Z)$ *ва* $\vartheta(Z)$ *функциялар учун*

$$\left(Sp\Delta\right)\vartheta(Z)=\rho(Z)$$

тенглик ўринли бўлиб, $\rho(Z)>0$ *бўлса, у ҳолда* $\vartheta(Z)$ *функция матрицавий шарда максимумга,* $\rho(Z)<0$ *бўлса,* $\vartheta(Z)$ *функция минимумга эга бўлмайди.*

Теорема 6. Ah *синфга тегишли А-гармоник функциялар максимум ва минимум қийматларига матрицавий шарнинг остовида эришади.*

Диссертациянинг «A**-гармоник функцияларнинг баъзи хоссалари ва уларнинг қўлланишлари**» деб номланган учинчи бобида матрицавий шар ва унинг остовида ортонормал система қурилади. Шунингдек, бу система ёрдамида Бергман, Коши-Сеге ва Пуассон ядролари текис яқинлашувчи қаторларга ёйилади ҳамда Пуассон ядроси ёйилмасининг коэффициентлари А-гармоник функция эканлиги текширилади.

Ушбу бобнинг биринчи параграфида матрицавий шарда ортонормал система қурилади ва бу система ёрдамида Бергман ядроси текис яқинлашувчи қаторга ёйилади.

Матрицавий шарда $Z=(Z_1,...,Z_n)\in B_{mn}$ нуқталарни $\mathbb{C}^{nm^2}$ фазодаги нуқталар кўринишида ёзиб оламиз:

$$z=\left\{z_{11}^{(1)},...,z_{1m}^{(1)},...,z_{m1}^{(1)},...,z_{mm}^{(1)};...;z_{11}^{(n)},...,z_{1m}^{(n)},...,z_{m1}^{(n)},...,z_{mm}^{(n)}\right\}\in\mathbb{C}^{nm^2}.$$

Элементлари
$$\sqrt{\frac{|\alpha|!}{\alpha_1!\alpha_2!...\alpha_{nm^2}!}}\left(z_{11}^{(1)}\right)^{\alpha_1}\cdots\left(z_{1m}^{(1)}\right)^{\alpha_m}\cdots\left(z_{mm}^{(n)}\right)^{\alpha_{nm^2}},|\alpha|=\sum_{i=1}^{nm^2}\alpha_i,|\alpha|\geq 0$$
иборат векторни $z^{[\alpha]}$ билан, бу векторнинг ҳар бир элементини эса $\varphi^{(i)}_{\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m}(Z),\ i=1,2,...,q(\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m)$ билан белгилаймиз.

Теорема 7. *Матрицавий шарда*
$$(\rho_\alpha)^{-\frac{1}{2}}\varphi^{(i)}_{\alpha}(Z),\ i=1,2,...,q(\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m),\ |\alpha|=0,1,2,...$$
функциялар системаси ортонормал система бўлади, бу ерда
$$\rho_\alpha=\int\limits_{B_{m,n}}\left|\varphi^{(i)}_{\alpha}(Z)\right|^2\dot{Z}.$$

Тасдиқ 4. ρ_α *коэффициент учун қуйидаги формула ўринли:*
$$\rho_\alpha=\frac{\pi^{nm^2}}{N(\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m,0,...,0)}\cdot\frac{1!2!...(mn-m-1)!}{m!(m+1)!...(mn-1)!}\prod_{j=1}^{m}\frac{(l_j+mn-m)!}{(l_j+mn)!},$$
бу ерда $l_j=\alpha_j+m-j$.

Энди биз матрицавий шарда
$$(\rho_\alpha)^{-\frac{1}{2}}\varphi^{(i)}_{\alpha}(Z),\ i=1,2,...,q(\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m),\ \alpha=0,1,2,....$$
кўринишдаги ортонормаль системага эгамиз ва бу система ёрдамида
$$K(Z,W)=\frac{1}{V(B_{m,n})}\det{}^{-mn-m}(I^{(m)}-\langle Z,W\rangle)$$

Бергман ядросининг қаторга ёйилишини қараймиз, бу ерда $V(B_{m,n})$ матрицавий шарнинг ҳажми.

Теорема 8. *Матрицавий шарнинг* $K(Z,W)-$ *Бергман ядроси, ортонормал система ёрдамида*
$$\sum_{\alpha}\sum_{i=1}^{q(\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m)}\frac{\varphi^{(i)}_{\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m}(Z)\overline{\varphi^{(i)}_{\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m}(W)}}{\rho_\alpha}. \qquad (1)$$
кўринишдаги қаторга ёйилади ва бу қатор
$$rI-\langle Z,Z\rangle>0,\ 0<r<1$$
соҳанинг ёпиғида ихтиёрий Z *ва* W *нуқталарга нисбатан текис яқинлашувчи бўлади.*

Натижа. *Хусусий ҳолда, (1) тенгликда* $m=1$ *бўлса, у ҳолда* $\mathbb{C}^n$ *фазодаги бирлик шар учун Бергман ядросининг ёйилмаси келиб чиқади.*

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида матрицавий шарнинг остовида ортонормал система қурилган ва бу система ёрдамида ёйилган Пуассон ядросининг коэффициентлари A-гармоник функциялар бўлиши исботланган.

Ушбу
$$\varphi^{(i)}_{\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m}(U),\ i=1,2,...,q(\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m),\ U\in X$$
компоненталарга эга $u^{[\alpha]}$ векторни қараймиз.

Лемма 2. *Матрицавий шарнинг остови учун*

$$(\delta_\alpha)^{-\frac{1}{2}}\varphi_\alpha^{(i)}(U), i=1,2,...,q(\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m), |\alpha|=0,1,2,...$$

функциялар системаси ортонормал система бўлади, бу ерда

$$\delta_\alpha=\int_X\left|\varphi_\alpha^{(i)}(U)\right|^2\dot{U}=\frac{V(X)}{N(\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m,0...0)}$$

ва $V(X)$ *– матрицавий шар остовининг ҳажми.*

Энди остовда қурилган ортонормал система функциялари ёрдамида Коши-Сеге ва Пуассон ядроларини қаторларга ёйиш масаласини қараймиз ва Пуассон ядроси коэффициентларини Ah синфдаги A-гармоник функцияларга текширамиз.

Матрицавий шарда Коши-Сеге ядроси

$$C(Z,U)=\frac{1}{V(X)}\det{}^{-mn}(I^{(m)}-\langle Z,U\rangle),\ Z\in B_{m,n},\ U\in X$$

кўринишга эга.

Теорема 9. *Матрицавий шарда Коши-Сеге ядроси ортонормаль системага нисбатан,*

$$rI-\langle Z,Z\rangle>0,\ 0<r<1$$

соҳа ёпиғида текис яқинлашувчи

$$C(Z,U)=\frac{1}{V(X)}\det{}^{-mn}(I^{(m)}-\langle Z,U\rangle)=\sum_{\alpha\geq 0}\sum_{i,j=1}^{N(\alpha_1,\alpha_2,...,\alpha_m)}\varphi_{i,j}^\alpha(Z)\overline{\varphi_{i,j}^\alpha(U)} \qquad (2)$$

кўринишдаги қаторга ёйилади.

Агар $f(U)$ – функция остовда интегралланувчи бўлса, у ҳолда (2) қаторнинг иккала тарафини $f(U)$ га кўпайтириб ва $\dot{U}$ бўйича интегралини олсак, қуйидагига эга бўламиз:

$$\int_{\langle U,U\rangle=I}[\det(I-\langle Z,U\rangle)]^{-n}f(U)\dot{U}=\sum_{\alpha\geq 0}\sum_{i=1}^{q(\alpha)}a_\alpha^i\frac{\varphi_\alpha^i(Z)}{\sqrt{\delta_\alpha}},$$

бу ерда

$$a_\alpha^i=\frac{V(X)}{\sqrt{\delta_\alpha}}\cdot\int_{\langle U,U\rangle=I}f(U)\overline{\varphi_\alpha^i(U)}\cdot\dot{U}.$$

У ҳолда

$$\int_{\langle U,U\rangle=I}[\det(I-\langle Z,U\rangle)]^{-n}f(U)\dot{U}$$

интеграл матрицавий шарда

$$\sum_{\alpha\geq 0}\sum_{i=1}^{q(\alpha)}a_\alpha^i\frac{\varphi_\alpha^i(Z)}{\sqrt{\delta_\alpha}}$$

кўринишдаги қаторга ёйиладиган голоморф функцияни аниқлайди.

Энди матрицавий шарда

$$P(Z,U)=\frac{C(Z,U)C(U,Z)}{C(Z,Z)}=\frac{1}{V(X)}\left(\frac{\det(I^m-\langle Z,Z\rangle)}{\left|\det(I^m-\langle Z,U\rangle)\right|^2}\right)^{mn},\ Z\in B_{m,n},\ U\in X$$

Пуассон ядросинг ёйилмасини қараймиз.

(2) тенгликдан ва лемма 2 дан қуйидагига

$$\frac{1}{V(X)}\left(\frac{\det(I^m-\langle Z,Z\rangle)}{\left|\det(I^m-\langle Z,U\rangle)\right|^2}\right)^{mn}=\sum_h\sum_{i,j}^{N(h)}\Phi_{i,j}^h(Z)\overline{\varphi_{i,j}^h(U)}, \qquad (3)$$

эга бўламиз. Бу қатор

$$rI-\langle Z,Z\rangle>0,\ 0<r<1$$

соҳанинг ёпиғида Z нуқтага нисбатан текис яқинлашувчи бўлади.

3.2 параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теорема ҳисобланади:

Теорема 10. *Ушбу*

$$\left\{\Phi_{i,j}^h(Z)\right\}$$

функциялар системаси $Ah-$ *синфдаги А-гармоник функциялар учун базис бўлади.*

ХУЛОСА

Ушбу диссертацияда матрицавий фазолардаги A-гармоник функциялар ва уларнинг хоссалари тадқиқ қилинди. Ишдаги асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

1. $\mathbb{C}^n[m\times m]$ фазодаги матрицавий шар учун Лапласнинг инвариант оператори аниқланган ва унинг биринчи тип матрицавий доирада Хуа Ло-Кен оператори билан устма-уст тушиши исботланган.

2. Матрицавий шарда Пуассон ядросининг А-гармоник функция бўлиши кўрсатилган ва А-гармоник функциялар учун максимумлар принципи бажарилиши исбот қилинган.

3. Матрицавий шарда аниқланган А-гармоник функциялар синфида остовдан А-гармоник давом эттириш ҳақидаги Дирихле масаласи ечилган.

4. Матрицавий соҳаларда баъзи муҳим интеграллар ҳисобланган ва улар ёрдамида матрицавий шар ва унинг остовининг ҳажмлари аниқланган.

5. $\mathbb{C}[m\times n]$ фазодаги биринчи тип классик соҳада инвариант Лапласиан ва Хуа Ло-Кен операторлари орасидаги боғлиқлик аниқланган.

6. Матрицавий шар ва унинг остовида аналитик давом қилдириш масалаларига мос келувчи ортонормал система қурилган.

7. Ортонормал система ёрдамида Бергман, Коши-Сеге ва Пуассон ядролари текис яқинлашувчи қаторларга ёйилган ва Пуассон ядроси ёйилмаси коэффициентлари системаси А-гармоник функциялар учун базис бўлиши исботланган.

Олинган натижалар кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида гармоник функцияларни тадқиқ қилиш масалаларига қўлланилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.FM.55.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ УРГЕНЧСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

НУКУССКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАЛКНАЗАРОВ АСКАР МАХСЕТБАЕВИЧ

А-ГАРМОНИЧЕСКИЕ ФУНКЦИИ В МАТРИЧНЫХ ОБЛАСТЯХ И ИХ СВОЙСТВА

01.01.01 – Математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ургенч – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.2.PhD/FM457

Диссертация выполнена в Нукусском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-mat.urdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Худайберганов Гулмирза** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Джумабаев Давлатбай Халиллаевич** доктор физико-математических наук
	Ибрагимов Зафар Шавкатович доктор философии (PhD) по физико-математическим наукам, доцент
Ведущая организация:	**Туринский политехнический университет в городе Ташкенте**

Защита диссертации состоится 2 ноября 2021 года в 14:00 на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.FM.55.01 при Ургенчском государственном университете. (Адрес: 220100, г. Ургенч, ул. Х. Алимджана, дом 14. Тел.: (+99862) 224-66-11, факс: (+99862) 224-67-00, e-mail: ik_mat.urdu@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ургенчского государственного университета (зарегистрирована за № D-270). (Адрес: 220100, г. Ургенч, ул. Х. Алимджана, дом 14. Тел.: (+99862) 224-66-11, факс: (+99862) 224-67-00).

Автореферат диссертации разослан 18 октября 2021 года.
(протокол рассылки № 1 от 18 октября 2021 года).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

Б.И.Абдуллаев
Председатель Научного совета по присуждению ученой степени, д.ф.-м.н.

А.А.Атамуратов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученой степени, к.ф.-м.н.

С.А.Имомкулов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени, д.ф.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одними из актуальных вопросов многомерного комплексного анализа являются задачи голоморфного и гармонического продолжения с границы. С этими задачами на мировом уровне занимались многие ученые и проводили многие научные и практические исследования. На комплексной плоскости результаты, связанные с функциями с одномерным свойством голоморфного и гармонического продолжения с границы являются тривиальными. Поэтому, проблемы, рассматриваемые в диссертации, являются существенно многомерными, т.е. задачи рассматриваются в пространстве матриц. В данное время матричное исчисление широко применяется в различных областях математики, электроники, теоретической физики, механики, телемеханики и т.д. В n-мерном пространстве матрицы являются основным аналитическим аппаратом для изучения линейных операций.

В данное время, одной из актуальных задач теории функций многих комплексных переменных считается изучение голоморфных и гармонических функций и их применение. В последние годы, еще больше возрос интерес к этому направлению комплексного анализа, в связи с применением комплексного анализа для матричных областей в теории электрических цепей, в математической физике (в теории полей) и других. Многочисленные научные работы, полученные ведущими учеными мира в этих областях можно привести в качестве доказательства. При этом нахождение ортонормальных систем для матричного шара и его остова, разложение ядра Бергмана, Коши-Сеге и Пуассона в равномерно сходящиеся ряды считаются целевыми научными исследованиями.

В нашей стране, теории функций комплексных переменных уделяется особое внимание как одной из фундаментальных наук, имеющих научное и практическое применение. В том числе, особое внимание уделено задачам исследования голоморфных и гармонических функций в классических областях, решение задачи Дирихле, исследование некоторых областей в пространстве матриц. Основной задачей и направлением деятельности[2] установлено проведение научных исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям предметов «Функциональный анализ, математический анализ и комплексный анализ многих переменных». Для реализации указанного постановления, важную роль в комплексном анализе играют задачи голоморфного и гармонического продолжения с границ.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат решению задач, указанных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-2789 от 17 февраля

---

2 Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений академии Наук Республики Узбекистан»

2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» и ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

